

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ  
САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ  
“МУЗЕЙШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга руҳсат этилсин”

Факультет декани

ф.ф.д. Л. Раупова

“ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

5150200 – Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш) таълим йўналиши талабаси

**МАШРАБОВА МАФТУНАХОН ХАМЗА ҚИЗИНИНГ**

**Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолияти**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар:

Музейшунослик кафедраси

катта ўқитувчиси

\_\_\_\_\_ Б.Ходжаев

“Ҳимояга тавсия этилсин”

“Музейшунослик” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ К.С.Нишонова

“ ” \_\_\_\_\_ 2018 йил

Тошкент – 2018

Мазкур битирув малакавий иши Музейшунослик кафедрасида бажарилган. Музейшунослик кафедраси 2018 йил \_\_\_\_\_даги №\_\_\_ - сонли мажлисида ҳамда Санъатшунослик факультетининг 2018 йил кафедраси 2018 йил \_\_\_\_\_даги №\_\_\_ - сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Такризчи:**

**Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий  
ишлар директор ўринбосари,  
археолог О.Ю.Арипжанов**

Ҳимоя 2018 йил \_\_\_\_\_ июнь соат \_\_\_\_\_ да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123–уй.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	4-8
<b>I БОБ САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРИЙ-БАДИИЙ МУЗЕЙ ҚЎРИҚХОНАСИ ФАОЛИЯТИ</b> .....	9
1.1.Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейларининг ривожланиш боскичлари.....	9-20
1.2.Иштихон туман ўлкашунослик музейининг ташкил топиши ва фаолияти.....	21-24
<b>II БОБ ИШТИХОН ТУМАН ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b> .....	25
2.1.Музей экспозицияси таҳлили ва ривожлантириш бўйича таклифлар.....	25-34
2.2.Иштихон туман ўлкашуносликни ёритишда музей фаолиятининг ўрни.....	35-40
<b>ХУЛОСА</b> .....	41-42
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	43-44
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	45-46
<b>Иллюстрациялар рўйхати</b> .....	47-59

## КИРИШ

Музейлар Ватанимизнинг ривожланиш тарихи, халқимизнинг ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос кўзгудир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони<sup>1</sup> билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон қарори<sup>2</sup>ни ижро этиш юзасидан “Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда музейларни ўзбек миллий давлатчилиги тарихида ёритишда тутган ўрни бекиёс бўлиб, музейларда сақланаётган экспозициялар орқали тарихимизни объектив, ҳаққоний, тарихий далиллар асосида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этиб келмоқда. Тарихни чуқур ва мукамал ўрганиш орқали жамиятда юксак маънавиятли шахсларни тарбиялаш мумкинлиги исбот талаб қилмайди.

Бой тарихи, бетакрор маънавияти ва маърифати, маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган Самарқанд – жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларининг олдинги қаторларидан ўрин эгаллагани барчага маълумдир.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони;"Халқ сўзи", 2017 йил 8 февраль, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2017 йил, 2-сон, 33-модда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 й. ПҚ-3022-сон "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори - "Халқ сўзи", 2017 йил 1 июнь

Самарқандда жойлашган Иштихон ўз номини ҳозирги кунгача сақлаб қолган қадимий шаҳарларда бири бўлиб, Самарқанднинг шимоли-ғарбида 7 фарсах масофада жойлашган асосий мавзе саналган ва Турк хоқонлиги даврида алоҳида маъмурий бирликка эга бўлган. Иштихон ҳақидаги илк маълумотларни биз VI-VIII асрларга оид Хитой манбаларида ўқишимиз мумкин. Ҳозирги кунда эса Иштихон тўғрисидаги керакли маълумотларни Самарқанддаги Иштихон тумани ўлкашунослик музейига бориб ўрганиш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан ва бир қатор қайд этилган омиллардан келиб чиқиб, ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб ўрин эгаллаган Самарқанддаги Иштихон тумани ўлкашунослик, музей билан боғлиқ ҳолда олиб борилган бугунги кундаги ишларнинг кўламини ўрганиб, таҳлил этиш ва музей фаолиятини такомиллаштиришга оид баъзи таклифларни киритиш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб келмоқда.

Битирув малакавий ишининг яна бир долзарб томонларидан бири Самарқанддаги Иштихон тумани ўлкашунослик музейи ҳақида илмий иш кенг кўламда олиб борилмаганлигидир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Иштихон тумани ўлкашунослик музейи фаолияти, тарихини ўрганишда бир қатор соҳа мутахассислари, олимларининг тадқиқотлари, диссертациялари кўриб чиқиб, ўрганилди.

Шунингдек, мавзу юзасидан Д.Курязованинг “Музей иши тарихи ва назарияси”<sup>3</sup> ўқув қўлланмасида жаҳон музейларининг яратилиш тарихи, фаолияти, тараққиёти, Ўзбекистон музейлари ва мустақиллик давридаги ривож ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади. Унда жаҳондаги илк музейларнинг яратилиш тарихига кўпроқ эътибор берилган. Шунингдек музейшуносликнинг назарий асослари, музейда иш юритишнинг барча услублари, жумладан, музей

---

<sup>3</sup> Курязова Д.Т. Музей иши тарихи ва назарияси. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 160 б.

захираларида иш олиб бориш, кўргазма ва экспозиция тузиш услублари хақида маълумот беради.

Д.Курязованинг “Ўзбекистонда музей иши тарихи”<sup>4</sup> ўқув-услубий қўлланмасида Ўзбекистон музейларининг яратилиш тарихи, фаолияти, тараққиёти, Ўзбекистон музейларининг мустақиллик давридаги ривожини, меъёрий-ҳуқуқий асослари хақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, музейшуносликнинг долзарб масалалари, болалар музейлари, музей педагогикаси, маркетинги ва менежменти хақида ҳам маълумот берилган.

М.Бекмуродов, М.Рашидова, Р.Альмеев, Л.Ю.Маньковская, Г.Фузаилова, М.Ҳасанова, И.Илалов<sup>5</sup> яратган ўқув қўлланма ва дарсликлар ҳамда М.Исакованинг диссертациясидан<sup>6</sup> умумий адабиётлар сифатида фойдаланилди.

“Музей – халқ кўзгуси”<sup>7</sup> тўпламидан ҳукуматимиз томонидан музейлар тизимини янада такомиллаштиришга доир қабул қилинган қонун, қарор ва фармонлар кўриб чиқилди.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида Иштихон тарихи музейи тарихи, экспозициясини қамраб олувчи тўлиқ библиографиясига бағишланган умумий адабиёт яратилмаганлиги аниқланди. Айрим маълумотлар интернетдан, айримлари умумий адабиётлардан, асосий маълумотлар эса музейга бориб, музей хисоботлари асосида ўрганилди.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад Иштихон тумани ўлкашунослик музейи ва унинг мустақиллик давридаги

---

<sup>4</sup> Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 125 б.

<sup>5</sup> Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. – Тошкент, 2006. – 102 б.; Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусиқа, 2006. – 357 с; Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент: Фан ва технологиялар босмаҳонаси, 2008. – 192 с.; Маньковская Л.Ю. Бухара: Музей под открытым небом. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма, 1991. – 255 с.

<sup>6</sup> Исакова М.С. История Центрального государственного архива кинофотофонодокументов и его деятельность по созданию фондов истории культуры Узбекистана.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: УзМУ, 2004. – 30 с.

<sup>7</sup> К.Нишонова. Музей – халқ тарихининг кўзгуси. Т.: Ёшлар матбуоти, 2011. – 391 б.

фаолиятини тадқиқ этишдир. Мазкур мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейлари фаолиятини ўрганиш;
- Иштихон тумани ўлкашунослик музейининг тарихи, унинг ташкил этилиш мақсадини кўрсатиб бериш;
- Иштихон тумани ўлкашунослик музейининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини, мустақиллик давридаги фаолиятини кенгроқ ўрганиш мақсадида таҳлил қилиш;
- Музейининг такомиллашув ва унинг бой хазинасининг замонавий талаблар даражасида намойиш этилаётганини таҳлил қилиш;
- Иштихон тумани ўлкашунослик музейи фаолиятини тубдан яхшилаш ва истиқболига мўлжалланган тадбирлар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Иштихон тумани ўлкашунослик музейи мавзуси кам ўрганилган мавзулар сирасига кириб, унинг фондида сақланаётган экспонатлар шу кунга қадар батафсил ҳолатда атрофлича ўрганилмаган. Музей бўлимларидаги коллекциялар ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш ва коллекцияни тўлиқ ўрганиб чиқиш малакавий битирув ишининг илмий янгилиги ҳисобланади.

**Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти.** Мавзунинг илмий аҳамияти шундан иборатки, Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолияти, экспонатлари илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Амалий аҳамияти келгусида ушбу малакавий битирув ишидан Иштихон туман ўлкашунослик музейини ўрганиш ҳамда музейшунослик соҳасида илмий тадқиқот олиб борилишида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши** Мазкур битирув иши кириш, икки боб, ҳар бир бобда иккита бўлим, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 59 саҳифадан иборат.

# **I БОБ. САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРИЙ-БАДИИЙ МУЗЕЙ ҚЎРИҚХОНАСИ ФАОЛИЯТИ**

## **1.1. Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейларининг ривожланиш босқичлари**

Самарқанд деганда кўз ўнгимизда доимо унинг ўтмиши, бугуни ва келажagini ифодаладиган тарихий обидалари, музейлари намоеън бўлади. Тарихчиларнинг фикрича, Самарқанд шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлган. Бой тарихи, бетакрор маънавияти ва маърифати, маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган Самарқанд – жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларининг олдинги қаторларидан ўрин эгаллагани барчага маълумдир. Олимлар уни қадимда Рим, Вавилон, Афина ва дунёнинг бошқа шу каби кўҳна шаҳарлари билан тенг ёшда, деб ҳисоблайдилар. Европа цивилизациясининг шаклланишида Рим қандай роль ўйнаган бўлса, Марказий Осиё тамаддунида, маънавият ва маърифат тарихида Самарқанд шундай юксак ўрин тутди. Шу боис ўрта асрлардан Шарқда оммалашиб кетган мақоллардан бирида “Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд” дейилади<sup>8</sup>.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона қиёфаси, бой тарихи, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган ноёб обидалари, очиқ осмон ости музейлари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида машҳурдир. Самарқанд қадимий тарихий ва меъморий ёдгорликлари туфайли бутун дунё тан олган ҳақиқий музей шаҳрига айланди. Шу боис республика ҳукумати қарори билан 1982 йилда Самарқанднинг Афросиёб шаҳристонини, ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ва XIX-XX асрларда қурилган “Янги шаҳар”даги бинолар, тарих ва ўлкашунослик

---

<sup>8</sup> У.Тешабоева. Шарқнинг мангу маскани: Метод.библиогр. қўлл.Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.- 8 б.



музейлари асосида “Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей кўриқхонаси” тузилди<sup>9</sup>.

Самарқандда 1874 йилдан музей ташкил топганлиги тўғрисида Самарқанд музейининг илмий архив хужжатларида маълумотлар келтирилган. Турли даврларда музей қўйидаги номларда фаолият кўрсатди: 1896-1911 йиллари – Самарқанд статистика қўмитаси музейи; 1911-1918 йиллари Самарқанд шаҳар музейи; 1918-1930 йиллари – Самарқанд вилоят музейи; 1930-1937 йиллари – Ўзбекистон давлат марказий музейи; 1937-1945 йиллари – Самарқанд вилоят тарихий-ўлкашунослик музейи; 1945-1955 йиллари – Ўзбек халқи маданияти Республика музейи; 1955-1969 йиллари – Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи Республика музейи; 1969-1982 йиллари – Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти тарихи Самарқанд давлат музейи<sup>10</sup> каби бир қатор номлар билан юритилган.

Ўзбекистондаги йирик илмий ташкилотлар қаторида Самарқанд музейи ҳам шаклланди ва 1896 йил 21 июлда музей расмий равишда очилди. Музейни ташкил қилиш, унинг ашёларини сақлаш, намойиш этиш ва тарғиб қилишдек муҳим вазифа, музейда фаолият юритувчи илмий салоҳиятли ходимлар олдида муҳим ва машаққатли вазифа қўяди. Натижада илмий ходимлар томонидан турли археологик, этнографик ва илмий экспедициялар ташкил этила бошланади. Бундай самарали ишларнинг натижасида XIX – аср охиридан то ҳозирги кунгача тўпланган ашёларнинг бетакрорлиги ва нодирлиги жиҳатидан Самарқанд музейи Марказий Осиёда етакчи музейлар сирасига киради.

Самарқанд музейи 1982 йилдан Самарқанд давлат тарихий – меъморий ва бадиий музей–кўриқхона сифатида фаолият юрита бошлади. Самарқанд музейи ашёлари ўз фаолияти давомида дунёнинг дурдона буюмлари сифатида кўплаб

---

<sup>9</sup> У.Тешабоева. Шаркнинг мангу маскани: Метод.библиогр. қўлл.Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.- 10 б.

<sup>10</sup> Қаюмов Р. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей кўриқхонаси. // Moziydan sado. – Тошкент, 2015. - № 3.(67). Б. 44-46.

хорижий мамлакатлар музейлари ва галереяларида ташкил этилган нуфузли кўргазмаларда намоиш этилган. Масалан: Россия, Италия, Франция, Голландия, Нидерландия, Япония, Хитой давлатлари шулар жумласидандир.

Шу билан биргаликда Самарқанд музейи 1978 йилдан ЮНЕСКО қошидаги Ҳалқаро музейлар кенгаши (ИКОМ)га аъзо бўлгандан кейин нафақат кўргазмалар балки ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган илмий–амалий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда музей – кўриқхона таркибида Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи, Афросиёб музейи, Иштихон туман ўлкашунослик музейи, Пахтачи туман тарихи музейи, Каттакўрғон шаҳар тарихий ўлкашунослик каби бир қатор музейлар фаолият юритиб келмоқда.

**Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейи.** Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи фаолиятини 1981 йил 21 декабрдан бошлаган. Музей бадавлат савдогарларидан бири Абрам Қалантаровга тегишли бўлган тарихий бинога жойлашган. Ҳовлида 1902-1916 йиллар давомида бешта бино қад кўтарган.

Меҳмонхона ва айрим хоналар асл ҳолида сақланган. Меҳмонхона чиройли ва хилма-хил ранглар билан безатилган. Шифт чўп устида ўймакорлик билан безатилган ва мойли бўёқлар билан бўялган, деворларга ганч устида ўймакорлик “пардоз” услубида ишланган ганчдан ясалган панжаралар билан бирга ранг-баранг шишали витражлар ўзгача ҳусн бағишлайди. Бинони қишда иситиш учун 7 та сирли сопол безакли “камин” печлар ўрнатилган, уларнинг безаклари хоналарга алоҳида ҳусн ва чирой бағишлаган. Бинодаги заллар биридан бирига ўтувчи бўлиб, анфиладани ташкил этади<sup>11</sup>.

Бинонинг биринчи қаватига ўлкамизнинг турли ҳудудларидан топилган қадимдан то XX асрнинг бошигача ҳикоя қилувчи ашёлар жойлаштирилган.

---

<sup>11</sup> Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейининг 2016-йилда амалга оширган илмий маърифий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Омонқўтон, Зирабулоқ ва Қўтирбулоқдан 100-40 минг йил олдинги ибтидоий жамоа даврида, шунингдек, юқори палеолит даврига тааллуқли одамлар яшаган маскандан топилган тош меҳнат ашёлари, ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳамда краманон одамнинг суяк қолдиқлари (25-30 минг йил олдин яшаган) музейдан ўрин олган. Мезолит-неолит-энеолит (мил. авв. X-III минг йил олдин) даврлари ибтидоий жамоа тузумининг охириги даврлари бўлиб, бу даврда тошдан ясалган ускуналар ва лойдан ясалган ашёларнинг парчалари мавжуд. Бронза даври (мил. авв. III-I минг йиллик) Панжакент атрофидан топилган бронза болтадек ноёб экспонат билан тасдиқланган. Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Чакка қишлоғидан, Ургут тумани Мўминобод қишлоғидан топилган такрорланмас аёллар тақинчоқлари, сирғалар, мунчоқлар, билакузуклар уй-рўзғор буюмлари, ойна, томошабинларнинг диққатини тортади. Юқори палеолит даврида илк диний қарашлар ва санъат намуналари шакллана бошлайди. Илонсой, Севассой, Такалिसой, Оҳалик ва бошқа жойлардан топилган қоятош чизиклари бронза даврига тааллуқлидир.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик бошларидан ўлкамизда давлатчилик ва синфий жамоанинг ташкил топишига шароит вужудга келади. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳасини ўз ичига олган катта давлат – Суғд давлати шаклланди. Унинг бош шаҳри Самарқанд бўлиб, милоддан аввалги VI асрда ахамонийлар салтанатининг таркибига кирган.

Турли идишлар ва тангалар милоддан аввалги IV асрда Македонский (329-323 й.), кейинчалик салавкийлар салтанатининг таркибида, маҳаллий маданият – юнон маданияти билан уйғунлашиб кетганлигини кўрсатиб турибди. Рассом Кайдаловнинг мўйқаламига мансуб «Спитамен кўзғолони» асарининг

нусхаси суғд халқи Спитамен бошчилигида босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатганлигидан ҳикоя қилиб турибди<sup>12</sup>.

Кушонлар даврида (милодий I-IV аср) хунармандчилик, ирригатсия, шаҳар тизими, халқ хўжалигининг ривожланиши рўй беради. Экспозитсияда Кушон подшоҳлари Хувишка, Канишканинг тангалари намойиш этилган, шунингдек, жун газмолнинг излари қолган сопол идишларнинг парчалари, тақинчоқ ва мато тўқувчи ускуналар ҳам ўрин олган.

Милодий IX асрнинг иккинчи яримида араб халифалиги ҳукмронлигининг сусайиши натижасида, маҳаллий сулола вакилларида сомонийлар ҳукмдорлик қила бошлади. Исмоил Сомоний даврида пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилади. Лекин бу шаҳар сиёсий, маданий ва ижтимоий маънода улкан марказлардан бири эди. Ўлкамизда кучли марказлашган давлат барпо этилиши натижасида ирригатсия, қишлоқ хўжалик, темирчилик, хунармандчилик ва пул-буюм муносабати катта ривож топади, маданият ва маърифатнинг юқори даражага етишига замин яратилади. Самарқанд, Робинжон, Иштихон каби шаҳарлар кенгайтирилиб, катта шаҳарларга айлантирилади.

XX асрнинг маданий ҳаёти Туркистон олимлари, маърифатпарварлари, мусиқа ва театр арбобларнинг фаолияти ва ижодини ёритувчи экспонатлар орқали очиқ берилган. Бу даврда «Жадидлар» ҳаракати кенг ривож топган. Улар дин, ҳуқуқ этикаси, халқ маорифи, матбуот, театр ва бошқа соҳаларда янгилашни ғояларини тарғиб қилганлар. Ўлкамизда бу ғояларни «Самарқанд» газетасининг муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурӣ, Ҳожи Муин, Исматилло Раҳматуллаев каби маърифатпарварлар амалга оширишган. Улар янги услубдаги мактабларнинг очилишида, шу мактаблар учун дарсликлар ёзиб нашр этишда биринчилар қаторида бўлишган.

**Пахтачи туман тарихий музейи.** Пахтачи туман тарихий музейи 1970 йилда ташкил топган бўлиб, музейда 7 та зал фаолият кўрсатади:

---

<sup>12</sup> [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

Археология зали – бу ерда XVI-XVII асрларга оид экспонатлар мавжуд. Экспонатлар қадимий Добусия қалъасидан археологик қазилмалар чоғида топилган бўлиб, Оқтепа ва Қоратепадан келтирилган. Аҳолининг турмуш ва хўжалик ҳаётини акс эттирувчи залда ошхона жихозлари, хунармандчиқ буюмлари, мато тўқиш дастгоҳи, дехкон уйлари, темирчилик устахонаси ва уларнинг асбоблари, декқончилик асбоблари қўйилган<sup>13</sup>.

Амир Темур ва темурийлар экспозициясида Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатчилиги, илм-фан, маданият бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги бой мероси, шунингдек, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино каби буюк алломалар ҳаёти, илмий, адабий маданий ва маънавий меросларини акс эттирувчи экспонатлардан иборат.

Халқ амалий санъати – XVII-XVIII асрга оид эркаклар ва аёллар кийимлари, тақинчоқлари, паранжи ва сўзаналар намойишга қўйилган.

XX аср маърифатпарварлари Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ҳақида сўзловчи экспонатлар, расм ва маълумотлар тамошабинлар диққатини ўзига жалб этади. Ушбу бўлимда халқимизнинг машҳур ҳофизлари Ж.Султонов, Ю.Ражабий, М.Узоқов, К.Отаниёзов фотосуратлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан экспозицияга қўйилган “Мустақиллик экспозицияси”да Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг фотосурати, давлат рамзлари – Герб, Байроқ, Мадҳия ҳақидаги маълумотлар билан бошланган. Ушбу бўлимда намунавий уй-жойлар, касб-хунар коллежлари, сумалак ва Наврўз байрамлари, қўли гул хунармандларнинг фотосуратлари ҳам мавжуд.

“Самарқанд: кеча ва бугун” деб номланган экспозицияда Самарқанд шаҳрининг мустақилликдан олдин ва кейинги даврлардаги кўринишлари фотосуратларда акс эттирилган.

---

<sup>13</sup> Пахтачи туман тарихий музейининг 2015-йилда амалга оширган илмий маърифий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

**Самарқанд шаҳар тарихи музейи.** Самарқанд шаҳар тарихи музейи 1970 йилда ташкил этилган. Музей Афросиёб шаҳарчасида – Самарқанднинг қадимий, мўғуллар истилосигача бўлган қисмида жойлашган.

Музей экспозиция залларида милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан XIII асрнинг бошларигача бўлган шаҳар тарихини ёритувчи экспонатлар намойиш этилган.

Самарқанд икки минг йил давомида (Сўғд ёки Сўғдиёнанинг) марказий шаҳри бўлиб, музейда намойиш этилаётган экспонатлар Самарқанднинг юқори даражадаги маданий, сиёсий, диний ва ишлаб чиқаришдаги ҳаётини яққол ёритади.

Музейда Самарқанднинг моддий маданиятини ёритувчи сопол, шиша, тош, метал, суяк, корапиластик ва меъморий нақшлардан иборат бой тўпламлар сақланади. Булар қарийб 20 мингдан ортиқ осори-атиқаларни ташкил қилади.

Бу экспонатларнинг асосий қисми музейнинг 11 та залидан иборат экспозицияларида намойиш этилиб, қолган ёрдамчи материаллар музей фондларида сақланмоқда.

Биринчи қават экспозициясида Афросиёб шаҳарчасининг ўрганилиш тарихи, Сўғднинг милоддан аввалги VIII-VII асрлардан милодий VII-VIII асрларгача бўлган тарихий даврини экспонатлар билан ёритган. Музейнинг марказий залида Сўғд ҳукмдори (Ихшиди) Вархуман саройидаги “Элчилар хонаси”нинг суратлари жойлашган.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан музейнинг иккинчи қават экспозиция заллари тўлиқ қайта ишга туширилди.

Афросиёб қазишмаларидан топилган осори-атиқалар асосида Ўрта Осиёда мусулмон уйғониш даври тарихи ва маданияти намойиш этилмоқда. Экспонатлар мавзуси Самарқанднинг IX-XIII асрларга оид моддий маданияти тарихини ёритган.

**Афросиёб музейи.** Самарқанд шаҳридаги Афросиёб музейи 1970 йил 24 октябрда очилган. Агар Афросиёб узра саёҳат қилсангиз йўлнинг икки тарафида ҳам жарлик, тепалик ва қабристон ҳаробалари кўзга ташланади. Бу Афросиёб музейининг бошқа музейлардан фарқли жиҳати бўлиб, музейга ташриф буюрувчилар ўзларини бевосита қадимги Суғд ва Кушон даври муҳитида, араб босқинчилиги натижасида юзага келган хароба шаҳарни кўз ўнгида тасаввур этишлари мумкин. Чунки китобдан ўқиган ва музейни бевосита айланиб, ундаги экспонатлар билан танишганда минг йиллар олдинги тарихни жонли акс эттириш мушкул, бу ҳолат ташриф буюрувчиларга кўпроқ маълумот олиш имконини беради. Нега айнан бу ҳудудларга нисбатан Афросиёб харобалари тушунчаси қўлланилади?

Милоддан аввалги VIII ва милодий II асрларда ҳукм сурган сак-скиф турк давлатининг асосчиси Афросиёб бўлиб, у ғарб адабиётида Мадай Қора, турон адабиётида Алп Эр Тўнга, форс-тожик адабиётида Афросиёб деб аталган. Чунки тарихий манбаларда милоддан аввалги VIII асрда қадимий Турон салтанати, Афросиёб давлатининг пойтахти, маъмурий бошқарув маркази мана шу харобалар ўрнида жойлашганлиги эътироф этилган. Афросиёб топонимини айрим олимлар “афро” сўзи арабча бўлиб, от маъносини беради, яъни Афросиёб - қора от, қора отлик мазмунини англатади деб ёзишади (яъни Заратуштра-туя етаклаган одам маъносини англатгандай). Ёки иккинчи бир маъноси “афро” сўзи форсча афроз-баландлик, юксаклик маъносини англатишини, яъни Афросиёб - Қорасув тепасида, юксакликда жойлашган қўрғон жойи дейишади<sup>14</sup>.

Музей 2 қаватдан иборат бўлиб, бу ерга ташриф буюрувчилар 7 та зал орқали 3 мингга яқин экспонатлар билан танишиши мумкин. Уларнинг ичида энг ноёб ва дунёга машҳури бу Афросиёб шаҳарчасида Марказий Сўғдиёна ихшиди Вархуманинг (VII-VIII асрлар) саройидан топилган девор суратлари бўлиб, бу суратлар музей фахри ҳисобланади. Уларга араб босқинчилик даврида

---

<sup>14</sup> www.ziyonet.uz

катта талофат етказилади. Ислом динида жонли мавжудодларнинг суратини чизиш тақиқланганлиги учун араблар истилочилик даврида бу деворий суратларнинг кўзларини ўйиб, кўпориб зарар етказишган<sup>15</sup>. Бу деворий суратлар 1965 йил топилган ҳамда таъмирланган холда музейга олиб келинган. 1985 йилдан бошлаб намоиш этиб келинмоқда. Юқорида келтирилган 7 та музей заллари экспонатлар хусусиятидан келиб чиқан ҳолатда ташкил этилган.

Биринчи залда шаҳарчанинг ўрганилиш тарихи даврма-давр олимларнинг Афросиёбни ўрганилишга кўшган ҳиссаларига тўхталинади. Музейда қилинган асосий иш Афросиёбни даврлаштиришда кўлга киритилган янгиликлар ва уни Суғдиёна шаҳарсозлик маданиятини ўрганишдаги тутган ўрнига эътибор берилганлиги.

Ҳозирги кунда илгари маълум бўлган шаҳар муҳофаа девори остидан лумбос типидagi девордан қизил рангда безалган сопол парчалари топилган. Бу сопол парчалари ғарб археолог олимлари орасида милоддан аввалги XIII-IX асрларга оид деб қаралмоқда ва музейда экспонат сифатида намоиш этилмоқда. Шу деворнинг устидан топилган гувалаксимон ғишт намуналар ҳам эътиборга молик.

Музейнинг иккинчи залида эса “Зарафшон бронза даврида” деб ном олган харита намоиш этилган бўлиб, унда Зарафшон дарёсининг қадимдан икки маданиятнинг туташган чегараси эканлигига алоҳида урғу берилган. Бу залда намоиш этилаётган топилмаларнинг аксарияти соф табиий мисдан ясалганлиги воҳанинг минералларга нақадар бойлигидан далолат беради. Музей залларида металл ишлаб чиқаришда кенг қўланилган тош болғалар, мис пичоқларнинг қолиплари ҳам экспонатлар қаторидан жой олган. Тош қуроллари орасида қора гранит тошдан ясалган келича (ўғирча) диққатингизни тортади. Ўғирча

---

<sup>15</sup> Афросиёб музейининг 2016-йилда амалга оширган илмий маърифий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.



(кели)нинг коса ва ташқи қисми ойнадай силлиқланганлиги киши диққатини ўзига тортади. Бу хилдаги келилар қадимда зардуштийларнинг илоҳий ўсимлик хаомоа шарбатини ёки сумалак тайёрлашда ниш урган буғдой шарбатини эзиб олишда кенг қўлланилган.

Музей залларида сополдан ясалган, ноёб пиёла ҳам ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотади. Бу пиёланинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Пиёла қизил рангли лойдан ясалиб, ички ва ташқи томони сайқалланган. Идишга бу хил сайқал бериш албатта бежиз эмас. Тадқиқотларга қараганда, бу пиёла, аҳамонийлар империясининг Эрон, Афғонистон худудларида шу шаклдаги олтин, кумуш, шиша каби ноёб материаллардан ясалган идишларга тақлид сифатида ясалган. Яна бу каби тақлид усулида Эрондан келтирилган кошин идишларга ўхшатиб ясалган маҳаллий идишлар қадимги Афросиёб аҳолиси ва ўша даврнинг йирик давлатчиликлари ўртасида кенг маданий алоқалар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Музейнинг тўртинчи залида Марказий Осиёга, жумладан Самарқандга Александр Македонский бошчилигида юнон қўшинларининг бостириб келиши ва у билан боғлиқ бўлган осори-атиқалар ўрин олган. Араб истилосидан кейин шаҳардаги кўпгина науслар (сўғдийларнинг қабристонлари) талон-тарож қилиниб, улардаги остодонлар синдириб ташланади. Бу остодонлар шаклан бир-бирларига яқин бўлсада, уларнинг безалиши турли хил. Мисол учун, айрим остодонлар ҳашаматли қасрни эслатса, айримларида ҳаттоки оддий безакнинг ҳам йўқлиги аҳоли ўртасидаги ижтимоий табақаланишдан иборат эканлигидан далолат беради<sup>16</sup>.

Бешинчи залда, олов ва аждодлар руҳи эътиқоди билан боғлиқ буюмлар: оссуарийлар, уйнинг ибодат қилиш қисми, деворий суратлар, раққоса шаклидаги ёғоч ҳайкал-устунлар, сўғд ёзувига эга бўлган буюмлар – ёзувли

---

<sup>16</sup> www.ziyounet.uz

тери, тарозу тоши, шу билан бирга темир, суюк ва сополдан ясалган рўзгор буюмлари ўз ўрнини топган.

Музейнинг энг нодир экспонатлари орасида марказий залдаги, бир вақтлар музей биносидан бир-неча юз метр Ғарбда жойлашган элчиларни қабул қилиш хонаси беаган VII аср деворий суратлари алоҳида ўринни эгаллайди. Бу зал VII асрнинг учинчи чорагида Самарқандда ҳукмронлик қилган Вархуман оиласининг қароргоҳида бўлган

Тўрт деворда тўрт композиция сюжетлари – Самарқанд ҳукмдори томонидан элчиларнинг қабул қилиниши, Вархуманнинг отасини мақбарасига ҳурмат бажо келтириш, илвирс ови ва бошқа расмлар тасвирланган. Деворлардаги сюжетларнинг мазмун-моҳияти ҳукумрон Вархуманнинг хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабати ва суғд давлатининг юксак мавқеи ҳақида ҳикоя қилади.

Иккинчи қават экспозицияси намойиши Марказий Осиёга араб истилоси давридан мўғул босқини давригача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврлар мобайнида Самарқанд шаҳри анча кенгайиб, ҳозирги эски шаҳар ўрнига мудофаа девори билан ўраб олинади. Эксонатлар Афросиёб шаҳарчасининг сув таъминоти тизими ва шаҳар харитаси тарихидан ҳикоя қилади. Музейда ўрта аср сопол ишлаб чиқариш технологияси, темирчилик, шишасозлик намуналари ва меъморий безакли ғиштлар пишириш хумдонлари макетлари ва ғишт намуналари билан танишиш мумкин. Охириги йилларда Афросиёбнинг шаҳристон қисмида очилган зодагонлар турар жойининг макет ва қазишма чоғида топилган осори-атиқалар намойиш этилмоқда. Кўрғазмалар орасида ўз даврининг савдо алоқаларини намойиш этувчи нумизматик материаллар ҳам ўрин олган.

**Каттақўрғон шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи.** Каттақўрғон шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи 1974 йилда жамоатчилик асосида ташкил этилган. Аввалига музей учун 1804 йилда маърифатпарвар Муҳаммад Аминхўжа

Нақиббек томонидан қурилган мадраса биноси ажратилади Айни пайтда эса музей Каттақўрғон шаҳридаги Ўзбекистон кўчаси 105-уйда жойлашган тарихий бинода фаолият юритиб келмоқда. 1982 йилда музей вилоят давлат музей-кўриқхонаси таркибига киритилди.

Музейда ноёб ашёлар ва артефактлар сақланмоқда ва экспозицияларда намойиш этилмоқда. Кўргазмалардан этнографияга оид бўлган, ўлкада кенг қўлланилган юксак даражада тайёрланган анъанавий кийим-кечаклар ва тақинчоқлар ўрин олган.

Ташрифчилар диққатини XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида турли моҳир чеварлар томонидан тайёрланган миллий декоратив кийимлар намуналари ўзига жалб этади. Булар жойнамозлар, сўзаналар, ойна халтачалари ва бошқалардан иборатдир. Бу ашёлар ўзларининг тикилиш услуби, орнаменти, композицияси ва ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради.

Музейда кўплаб археологик ашёлар мавжуд бўлиб, улар ўлканинг тарихи, одамларнинг турли даврлардаги турмуши тўғрисида маълумот беради. Музейда ушбу ўлка мусаввирларининг кўплаб асарлари тўпланган. Ўлка табиатини ифодаловчи табиат бўлими ҳам ниҳоятда қизиқарлидир. Махсус ясалган ландшафт панорамасида қушлар, ҳайвонлар, жониворларнинг макетлар ва намуналари қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, биринчи боб биринчи бўлимида Самарқанд музей – кўриқхона ҳамда ҳозирги кунда унинг таркибида фаолият олиб бораётган Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи, Афросиёб музейи, Пахтачи туман тарихи музейи, Каттақўрғон шаҳар тарихий ўлкашунослик каби бир қатор музейлар тарихи, фаолияти, экспозицияси ёритиб берилди.

## **1.2. Иштихон туман ўлкашунослик музейининг ташкил топиши ва фаолияти**

Иштихон ҳақидаги илк маълумотларни биз VI-VIII асрларга оид Хитой манбаларида ўқишимиз мумкин. Айтилишича, Хитой тилида Иштихон «Цао» деб юритилган. Иштихон араблар истилосигача ва ундан кейинги бир неча асрлар давомида суғдларнинг «ихшид» деб аталувчи қабилалари яшаган хонликнинг маркази бўлган. «Иштихон» сўзи ҳам аслида шу хонликнинг номи «Ихшидхон» сўзидан келиб чиққан ва талаффузда ўзгара бориб, кейинчалик «Иштихон» деб номланади<sup>17</sup>.

Хонликнинг маркази Иштихон қарвон йўли устида жойлашганлиги туфайли ўрта асрларда савдо шаҳри сифатида ривож топган. Бу ерда хунармандчиликни бошқа турлари билан бир қаторда айниқса юзига нақш солиб таёрланган ихчам ғиштлар машхур бўлган.

IX-XI асрларда бу ерда ҳокимиятни бошқарган хонлар ўз номлари билан мисдан танга пуллар чиқаришган. Ўша вақтларда Иштихон олти дарвозали шаҳристондан ва атрофи работлардан иборат бўлган. Аммо мўғуллар истилосидан кейин ҳамда ўзаро феодал урушлар оқибатида шаҳарнинг кундан-кунга мавқеи йўқола боради ва XVII аср охирларида шаҳар батамом бузилади ва унинг ўрнида кичик қишлоқ қолади.

Иштихон тумани икки дарё оралиғида - яъни Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган ҳудуд ҳисобланиб, бу ҳудуд қадимда “Миёнқол” деб аталган. Миёнқол атамаси аслида Миёнком бўлиб, унинг луғавий маъноси форс тилида Миён- ўрта, оралик, Ком-дарё, ариқ, сув яъни “дарё ўртаси”, “икки сув ораси” маъноларини англатган. Бу атама кейинчалик бошқача талаффузда “Миёнқол” деб атала бошланган.

---

<sup>17</sup> Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни (Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари) Т.: «Фан». 2007 – 237 б.

Бу ҳудуднинг стратегик аҳамияти Александр Македонский босқини давридаёқ ажралиб турганлиги ва Спетаменнинг таянч нуқталаридан бири вазифасини ўтаганлиги юнон тарихчиси Аррианнинг “Анабасис Александра” китобида маълум даражада ўз ифодасини топган. Бу жой қадимдан суғорма деҳқончиликка асосланган обод ҳудудлардан бири сифатида эътироф этиб келинган. Қадимги Суғд давлати “Суғд- Суғдиёна” деб номланган.

Иштихон ўз номини ҳозирги кунгача сақлаб қолган қадимий шаҳарларда бири бўлиб, Самарқанднинг шимоли-ғарбида 7 фарсах масофада жойлашган асосий мавзе саналган ва Турк хоқонлиги даврида алоҳида маъмурий бирликка эга бўлган. Суғдиёна тарихи билан шуғулланган тадқиқотчи О.И.Смирнова “Иштихон” сўзи қадимги суғд тилида “Саккиз ариқли” “Саккиз каналли” деган маънони беради деб талқин қилади.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга хужуми муносабати билан Суғд ҳукмдорлари ёрдам сўраб қудратли Хитой давлатига мурожаат қилдаилар. Аммо Хитойдан ёрдам кучлари етиб келмайди. VIII аср бошларида Самарқандни араблар босиб олиши арафасида Суғд ихшидлари ўз пойтахтларини Иштихонга кўчирганлар. Иштихон VIII асрда қисқа вақт давомида пойтахт вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам бу ер, дастлаб “Ихшидлар”, кейинчалик “Иштихон” деб аталган бўлиши мумкин. “Иштихон” сўзи эса “Ишхидхон” сўзининг бузилган шаклидир.

Миёнқол ҳудудларида олиб борилган археологик экспедицияга раҳбарлик қилган қадимшунос олима Г.А.Пугаченкованинг фикрига кўра, Иштихон шаҳристонининг чегаралари Сомонийлар даврида анча кенгайган.

Шаҳар девори ичидаги қалъаданг топилган илк ўрта асрларга оид кўплаб ашёлар шундан берадики, Иштихоннинг шаҳар сифатида ташкил топиши араблар босқинидан аввалги даврларга бориб такалади. Шаҳарнинг шарқий ҳудудларидан топилган турли хил нафис нақшлар солинган бежирим ва гўзал кўзалар бу ерда XII асрда ҳам шаҳар ҳаёти давом этганлигидан гувоҳлик

беради.муғуллар босқини оқибатида қароргоҳ ва шаҳристон харобазорга айланган<sup>18</sup>.

Иштихон туман ўлкашунослик тарихи музейи 1979 йилда 24 май куни ташкил этилган. Мазкур музей 4 бўлим ва кўрғазмалар залидан иборат.

1) Табиат бўлими.

Бўлимда тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшаган ҳайвонот дунёси акс эттирилган. Тўқай ва тўқайзор ҳайвонот олами, сув ҳавзаларидаги мавжудотлар ҳамда дашт ҳудудидаги ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар шулар жумласидандир.

2) Археология бўлими.

Мазкур бўлимда Иштихон тумани ҳудудидаги тарихий ёдгорликлар, тепаликлардаги ашёлар экспозицияга қўйилган.

3) Этнография бўлими.

Ушбу бўлим Иштихон тумани ҳудудида яшовчи халқнинг турмуш тарзи, ҳунармандчилиги ҳақида маълумот беради.

4) Мустақиллик даврида Иштихон бўлими.

Мустақиллик даврида Иштихон бўлимида мамлакатимизнинг истиқлол йилларида музейшунослик йўналиши бўйича қабул қилинган қонун, қонуности ҳужжатлар, Иштихон туман ўлкашунослик музейида олиб борилган ишлар, кўрғазмалар жараёни ёритиб берилган.

5) Кўрғазмалар зали.

Иштихон туман ўлкашунослик музейида 2014 йилда катта таъмирлаш ишлари амалга оширилди<sup>19</sup>. Музейнинг экспозиция залларида унинг ўтмиши, тарихи, табиати, ўсимлик дунёси ҳақида сўзловчи экспонатлардан ташқари, туманнинг бугунги куни, яъни, Мустақиллик йилларида иқтисодиёт, спорт,

---

<sup>18</sup> Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида туган ўрни (Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари) Т.: «Фан». 2007 – 322 б.

<sup>19</sup> Иштихон туман ўлкашунослик музейининг 2017-йилда амалга оширган илмий маърифий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

маданият ва шаҳарсозлик соҳаларида эришган муваффақиятларини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Иштихон туман ўлкашунослик музейи шакллангандан бошлаб бугунги кунгача кўпгина ишлар амалга оширилди. 2014 йилда қайта таъмирланди. Музейнинг экспонатлари қайта таъмирланган витриналар, махсус ёритгичли шкафларга жойлаштирилди ва экспонатлар ўзларининг жонли табиий кўринишига эга бўлди. Тўлиқ илмий инвентаризациядан ўтказилиб, инвентар китобларида қайд этилган. Аммо, Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолиятини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш учун молиявий манбалар кўламини янада ошириш, музей томошабинлар сафини кенгайтириш асосий муаммолардан биридир. Бошқа музейлар қатори мазкур музейнинг ҳам электрон нашрлар билан дунё маълумотлар оқимига қўшилиши табиий хол ва замон талаби деб қабул қилиш лозим. Зеро маълумот тарқатиш билан музей ўзини жамиятда реклама қилиш, томошабинларларини кўпайтириши ҳамда хорижий ҳамкасблар билан тез ва қулай алоқа ўрнатиши мумкин. Бу эса музей истиқболини юксалтирувчи асосий омиллардан биридир.

## **II БОБ ИШТИХОН ТУМАН ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1.Музей экспозицияси таҳлили ва ривожлантириш бўйича таклифлар**

Юртимиз тарихи ва маданияти, халқимизнинг бой маънавий мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш, ундан бугунги авлодни хабардор этишда музейлар алоҳида ўрин тутди. Шу боис мамлакатимизда мазкур муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг замон талаблари даражасида иш олиб боришини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Иштихон туман ўлкашунослик музейида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда музейида 4 бўлим ва 1 та кўргазмалар зали фаолият юритади.

#### **1. Табиат бўлими.**

Табиат бўлимида юқорида келтирилиб ўтилган “Миёнқол” оролининг табиати, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, ўлканинг иқлими ва бошқа ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Аксарият витриналарда ҳудуднинг туқайзорларида, сув ҳавзалари бўйларида учрайдиган йиртқич қушлар, балиқчи қушлар, ҳамда ҳайвонлар жой олган.

Масалан 1 витринадаги йиртқич қушлар туркумига мансуб бўлган қуш Укки - Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудида тарқалган. Катта – катта кўзли, ва ўткир тирноқли кулранг тусли бу йирик қуш асосан тоғ ва тоғолди туманларида, чуқур жарлар ва қум саҳроларида яшайди. Укки асосан тунда ов қилади. Кундуз пайтлари инида ётади. Бу қуш япалоққушлар туркумига мансуб энг йирик қушлардан ҳисобланади. Қанотининг узунлиги 410-520 мм, оғирлиги 2-3 кг келади. Барча япалоққушларда бўлгани каби, кўзлари олдинга қараб туради ва одатда, майда-майда патлардан иборат юз диски билан ўралган.



Уккининг сайраши йилнинг март ойида эшитилади. Апрель ойида модаси тўғридан - тўғри ерга, тепалик бағрига, жардаги ёриқларга, бирор бинонинг бутоғига кириб олиб, яшайди. Катталиги 58 x 49 мм келадиган 4-5 та шарсимон оқ тухум қўяди. Тухумларини фақат она укки босиб ётади. Май ойи охири июнь ойи бошларида болалари катталиги жихатдан энди вояга етганларига яқинлашиб қолади. Укки асосан майда кемирувчилар, сут эмизувчилар билан озиқланади.

Иккинчи витринада жойлашган Бухоро буғуси асосан Қизилкум чўлларида учрайди. Бухоро буғуси асосан ўсимликлар билан озиқланади. Унинг оғирлиги 25-30 кг, танасининг узунлиги 110-115 см. Бухоро буғуси асосан кундузи ўтлаб юради. Жазирама ёз кунлари эрталаб ва кечки салқинда ўтлайди. Улур одатда тўп-тўп бўлиб юришади. Ёзда 4-7 та, қишда эса 15-20 таси бил гала бўлиб юришади. Ахён-ахёнда жуфт-жуфт бўлиб ёки алоҳида бўлиб юришади. Сувлаш жойларида ва кўчиш пайтида 20-30 та ва бундан ҳам кўпроқ бўлиб юришади. Баҳорги ғалла ўсимликлари ва эфимерлар билан озиқланса, кўк ўтлар қуриб кетадиган ёз вақтида шувоқ билан озиқланади. Қишда сахро буталари билан озиқланади.

Витрина ўнг томонида бўри, чап томонида тоғ эчкиси ва ўртада какликлар табиат фони қўйнида акс эттирилган.

Кейинги витринада Сайғоқ, Турна, чия бўри, Тоғ бургутлари, Ёввойи тўнғиз, Тулки, Лочин, Сув ўрдаги, Чурраклар, Бухоро буғуси, Укки, Бўрсик, Балиқчи қуш, Чуррак, Ёввойи ғоз, Лочинакс этганини кўриш мумкин.

Экспозициянинг энг мухим экспонатларидан бири бу пилла намуналаридир. Табиат бўлими залининг деворларини аксарият қисмида Ўзбекистон ҳайвонот ва ўсимлик дунёси фотолари жой олган. Залнинг марказидаги витриналар ичида ҳайвонлар макетлари ўрин олган. Табиат бўлимидаги энг қизиқарли экспонатлар бу капалаклар ҳисобланади. Бу ерда капалакларнинг 50 га яқин турини учратиш мумкин.

Музейнинг нумизматика бўлимида асосан 1930 йилдан 1940 йилгача бўлган тангалар ўрин олган.

Танга: 15 копеек танга, 1931 йилда ишлаб чиқарилган. Ундан одамлар савдо сотиқ ишларидан фойдаланишган. Кенглиги, узунлиги 00 мм, диаметри 2 мм бўлиб, сарғиш рангда.

Мустақиллик даври акс этган кўргазмалар залида Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Самарқанд шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ишлари акс эттирилган Йўлбарслар хиёбони, Алишер Навоий монументи, Хунармандлар уюшмаси, Ал-Мотрудий мақбараси, Самарқанд халқаро аэропорти, Рега пласа меҳмонхонаси, Афросиёб меҳмонхонаси, Ҳамид Олимжон номли вилоят драма театри, Санъат коллежи биноси, ОАТ Миллий банк биноси, ОАТ Агро банк биноси, Муסיқали фаввора, Намунавий уйлар, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Академия биноси, Шохи Зинда мажмуаси, Мирзо Улуғбек мадрасаси, Офицерлар уйи, Кўксарой майдони, Хазрати Хизр масжиди, Намозгоҳ масжиди, Тиллакори мадрасаси, Хожа Дониёр мақбараси, Шердор мадрасаси, Рухобод масжиди фотосуратларни кўриш мумкин.

Шунингдек, гул байрами, Наврўз сайли, қандолатчилар, отахонлар чойхонада, спорт маликаси, бахмал тўқиш заводи, чору кўчаси каби фотолар хам ўрин олган.

Тарих залида музейга ташриф буюрувчи дастлаб Иштихон туманининг қадимий харитаси, унинг қадимий тарихи, шаклланиши тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар билан танишади.

Шунингдек залда турли хил даврларга тегишли сопол буюмлар, антик давр излари акс этган фотосурат, археологик қазишма ишлари акс этган фото, суякдан ишланган тароқ фотоси, Остодон сиртидаги битиклар фотоси, Кўрғон ўрни тепалиги фотоси, Оташпарастлар ибодатхонаси фотоси, ер ости хоналари фотоси, қадимги шаҳар қолдиғи фотосини кўриш мумкин.

Витриналарда сопол буюмлар: сопол кўза қолдиғи, шамдон, кўза қолдиғи, сопол чойнак қолдиғи, сопол кўзача, ўсмадон, мойчиноқ, симоб солинадиган идиш, кошин парчалари, тегирмон тоши, тарози тошлари ўрин олган.

Аммо тарих залидаги экспонатлар жойлашувида айрим хатоликлар мавжуд. Масалан кўза қолдиқлари ўрин олган витринанинг ойналари ўрнатилмаган. Шунингдек, тегирмон, тарози тошлари жуда ҳам паст тагликка жойлаштирилган ҳамда унинг ҳам атрофи ойналар билан ўралмаган.

Шу билан бир қаторда залда омоч, қишлоқ хўжалиги техникаларининг илк кўринишлари бўлган арава, туя, от қўшилган аравалар фотолари, Анфора шакли идиш, ўрта асрларга тегишли Қулчара қишлоғи топилмалари, Бухоро амири Амир Олимхоннинг чор ҳукумати амалдорлари билан тушган фотоси, Бухоро амири Амир Музаффар, қадимги даврлар мухити акс этган солиқ ундирувчилар портрети, Регистон майдони, Мадраса толиблари фотоси, Бухоро хонлигида 16-19 асрлардаги бошқарув тизими акс этган фото, ўрта асрларга тегишли маҳаллий хунармандчилик миниатюраси, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига бағишлаб чизилган миниатюралар, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Чингизхон, Амир Темур портрети, Амир Темур давлати харитаси, Амир Темур ва унинг авлодлари шажараси, қабр тошлари, сирланган товоқ, араб ёзувли гулдон, Афросиёб деворий суратлари фрагментни, Будда санамлари фотолари ўрин олган.

Тарих залида мис буюмлар: қумғон, чилим, шамчиноқ, гулдон, лаъли, шамдонни учратиш мумкин.

Шиша идиш парчалари ҳам музейнинг нодир экспонатларидан бири саналади. Тарих залининг энг кўзга кўринган ноёб эспонатларидан бири бу Араб сайёҳи Ибн Ҳавқал ҳамда Маҳмуд Қошғарийнинг дунё харитасидир.

Этнография залида Бешиксоз уста, хунармандлар фотоси, Булунгтуш Никоҳ маросими фотоси, Офтоба, дастчуй, чарх, Иштихонлик ўртаҳол

оиланинг турмуш тарзи фотоси, Сўзани, кўрпача, фонус, гилам, ястик, бешик, хонтахта, лавх, хасса, сопол товоқ, сопол лycopча, эркаклар миллий кийимлари, салла, тўн, куйлак, белбоғ, аёллар миллий кийимлари, атлас куйлак, чочвон, паранжи, эркаклар оёқ кийимлари, ковуш, туфли, этик, жамалак, браслет билаузуқ, кўзмунчоқ, маржон, бус мунчоқ, браслет билаузуқ, тасбех, мой чироқ, дазмол, лампа, фонус, суюқлик солинадиган идиш, сўзана, ёғоч қошиқлар ўрин олган.

Музей хужжатларини ўрганиш жараёнида музей-қўриқхона бош муҳофизини М.Юнусов, фонд ҳисобга олиш бўлими ходими Л.Латипова ва Иштихон туман ўлкашунослик музейи мудирини З.Мухторовлар томонидан тузилган далолатномага мувофиқ музей фондида 1172 дона асосий фонд (КП), 193 дона ёрдамчи фонд (ИКП) ашёлари, жами 1365 дона ашёларнинг ўз жойида тўлиқ сақланаётганлиги аниқланди. Музейда сақланаётган айрим мавжуд ашёларнинг рўйхати илова қилинади:

№	Ашёнинг номи	КП рақами	Сони	Материал	Сақланиш Ҳолати
1.	Медаль	КП-4354/11	1	Металл	Қониқарли
2.	Медаль	КП-4354/13	1	Металл	Қониқарли
3.	Альбом	КП-4354/206	1	Бумага	Қониқарли
4.	Грам. Пластинка	КП-4354/207	1	Бумага	Қониқарли
5.	Справка 1945г.	КП- 4354/251	1	Бумага	Қониқарли
6.	Книжка №192139 1945г.	КП- 4354/252	1	Бумага	Қониқарли
7.	Значок (1918-1978)г.	КП- 4354/253	1	Металл	Қониқарли
8.	Хум	КП-4512/30	1	Керамика	Қониқарли
9.	Хум	КП-4512/31	1	Керамика	Қониқарли
10.	Хум	КП-4512/32	1	Керамика	Қониқарли
11.	Кумган	КП-4512/33	1	Керамика	Қониқарли
12.	Кумган	КП-4512/34	1	Керамика	Қониқарли
13.	Кувшин куза	КП-4512/35	1	Керамика	Қониқарли
14.	Сосуд из красной меди	КП-4512/36	1	Медь	Қониқарли
15.	Сосуд из красной меди	КП-4512/37 а,б,в,г,д,е	5	Медь	Қониқарли
16.	Сосуд из красной меди	КП- 4512/38	1	Медь	Қониқарли
17.	Чилим медный	КП-4512/60	1	Медь	Қониқарли
18.	Подсвечник металл.	КП-4512/61	1	Металл	Қониқарли
19.	Чарх	КП-4512/62	1	Дерево	Қониқарли
20.	Дукан	КП-4512/63	1	Дерево	Қониқарли

21.	Омоч-плуг	КП-4512/64 а,б,в,г,д е	6	Дерево	Қониқарли
22.	Устун-колонна	КП-4512/65	1	Дерево	Қониқарли
23.	Устун-колонна	КП-4512/66	1	Дерево	Қониқарли
24.	Подбалка	КП-4512/67	1	Дерево	Қониқарли
25.	Створка дверная	КП-4512/68	1	Дерево	Қониқарли
26.	Створка	КП-4512/69	1	Дерево	Қониқарли
27.	Чаша деревянная-товок	КП-4512/70	1	Дерево	Қониқарли
28.	Маржон- коралловое ожерелье	КП-4512/80	1	жемчужина	Қониқарли
29.	Коралловое ожерелье, монеты	КП- 4512/81	1	Монеты стертые	Қониқарли
30.	Бусы- из семян растения	КП-4512/82	1	Семена растения	Қониқарли
31.	Ожерелье	КП-4512/83	1	Металл	Қониқарли
32.	Ожерелье	КП-4512/84	1	Металл	Қониқарли
33.	Серьги	КП-4512/85а,б	2	Металл	Қониқарли
34.	Серьги –зирак	КП-4512/91	1	Металл	Қониқарли
35.	Браслет –билак узук	КП-4512/92	1	Металл	Қониқарли
36.	Усмадон	КП-4512/98	1	Металл	Қониқарли
37.	Амулет	КП-4512/99	1	Металл	Қониқарли
38.	Четки –тасбех	КП-4512/100	1	Из плодов	Қониқарли
39.	Паранжи	КП-4512/101	1	х/б	Қониқарли
40.	Платье-куйлак	КП-4512/102	1	х/б	Қониқарли
41.	Шаровары –иштон	КП-4512/103	1	х/б	Қониқарли
42.	Чачвон	КП-4512/104	1	Из конского волоса	Қониқарли
43.	Халат –калтача	КП-4512/105	1	Из адраса	Қониқарли
44.	Халат-яктак	КП-4512/108	1	Из адраса	Қониқарли
45.	Халат-муж яктак	КП-4512/109	1	Из бекасама	Қониқарли
46.	Рубаха муж. куйлак	КП-4512/110	1	Шёлк	Қониқарли
47.	Кулах	КП-4512/111	1	х/б	Қониқарли
48.	Салла	КП-4512/112	1	х/б	Қониқарли
49.	Туфли муж.- ковуш	КП-4512/113 аб	2	Кожанные	Қониқарли
50.	Туфли жен.- ковуш	КП-4512/114 аб	2	Кожанные	Қониқарли
51.	Курпача	КП-4512/115	1	Из атласа	Қониқарли
52.	Люля-ястик	КП-512/125 а,б	2	Ткань	Қониқарли
53.	Накидка на детскую колыбель- бешик ёпкич	КП- 4512/126 а,б	2	Ткань	Қониқарли
54.	Ковер (гилам)	КП-4512/127	1	шерсть	Қониқарли
55.	Самовар	КП-4512/132	1	Мед ь	Қониқарли
56.	Дастшуй	КП-4512/133	1	Мед ь	Қониқарли
57.	Стремя-узанги	КП-4512/136	1	Металл	Қониқарли
58.	Шумовка –капкир	КП-4512/137	1	Металл	Қониқарли
59.	Столик	КП-4512/138	1	дерево	Қониқарли
60.	Колыбель бешик	КП-4512/139	1	дерево	Қониқарли

61.	Седло	КП-4512/140	1	дерево	Қониқарли
62.	Шкатулка	КП-4512/141	1	дерево	Қониқарли
63.	Нос каду	КП-4512/142	1	Из высушенной тыквы	Қониқарли
64.	Надгробный камень-кабр тош	КП-4512/143	1	Камень	Қониқарли
65.	Жернова каменные	КП-4512/144	1	Камень	Қониқарли
66.	Блюдо	КП-4823	1	Фарфор	Қониқарли
67.	Паранжи	КП-5496	1	х/б	Қониқарли
68.	Блюдо	КП-5497/1	1	Фарфор	Қониқарли
69.	Монета (серебро ) 10 копеек	КП-4669/104	1	Металл	Қониқарли
70.	Монета (серебро ) 20 копеек	КП-4669/105 а,б, в	3	Металл	Қониқарли
71.	Монета (серебро) 15 копеек	КП-4669/106	1	Металл	Қониқарли
72.	Монета (медь) 5 копеек	КП-4669/107	1	Металл	Қониқарли
73.	Бумажно-денежные знаки (32шт.)	КП- 4669/108-126	32	Металл	Қониқарли
74.	Монета 10 копеек	КП-4890/1	1	Металл	Қониқарли
75.	Монета 10 копеек	КП-4890/2 а,б,в,г	4	Металл	Қониқарли
76.	Монета тем/металл 15 коп. 1936 г.	ИКП-1103/13	1	Металл	Қониқарли
77.	Монета тем/металл 5 коп. 1949 г.	ИКП-1103/14	2	Металл	Қониқарли
78.	Монета 5 коп. 1940 г.	ИКП 1103/15	1	Металл	Қониқарли
79.	Офтоба медь	ИКП-1104/1	1	Из меди	Қониқарли
80.	Офтоба медь	ИКП- 1104/2	1	Из меди	Қониқарли
81.	Офтоба медь	ИКП- 1104/3	1	Из меди	Қониқарли
82.	Офтоба медь	ИКП- 1104/4	1	Из меди	Қониқарли
83.	Сосуд из красн. меди	ИКП- 1104/5	1	Из меди	Қониқарли
84.	Сосуд из красн. меди	ИКП- 1104/6	1	Из меди	Қониқарли
85.	Монета Иранская (серебро)	ИКП- 1105/1	1	Металл	Қониқарли
86.	Монета (серебро) Караханиды	ИКП- 1105/2 а,б	2	Металл	Қониқарли
87.	Монета (серебро) Бухархудаты	ИКП- 1105/3	1	Металл	Қониқарли
88.	Монета Бухарский	ИКП 1105/4 а,б,в,г,д,е,ж,з	8	Металл	Қониқарли
89.	Монета Темуридов	ИКП- 1105/5	1	Металл	Қониқарли
90.	Монета Темуридов	ИКП-1105/6 а,б,в,г,д	5	Металл	Қониқарли
91.	Чекан IX в.	ИКП- 1105/7	1	Металл	Қониқарли
92.	Монета (медь)	ИКП- 1105/8 а,б	2	Металл	Қониқарли
93.	Монета Шайбонидов	ИКП-1105/9	1	Металл	Қониқарли

94.	Монета Темуридов	ИКП- 1105/10	1	Металл	Қониқарли
95.	Монета Темуридов	ИКП- 1105/11	1	Металл	Қониқарли
96.	Монета Темуридов	ИКП- 1105/12	1	Металл	Қониқарли
97.	Монета Темуридов	ИКП- 1105/13	1	Металл	Қониқарли
98.	Платок	ИКП- 1167/1	1	Ткань	Қониқарли
99.	Платок	ИКП-1167/2	1	Ткань	Қониқарли
100.	Халат калтача	ИКП-1167/3	1	Ткань	Қониқарли
101.	Ожерелье	КП-5590	1	Металл	Қониқарли
102.	Паранжи	КП-5660/1	1	Ткань	Қониқарли
103.	Кул юта	КП- 5660/2	1	Ткань	Қониқарли
104.	Лампа	КП-5657/1	1	Металл	Қониқарли
105.	Лампа	КП-5657/2	1	Металл	Қониқарли
106.	Утюг	КП-5657/3	1	Металл	Қониқарли
107.	Утюг	КП-5657/4	1	Металл	Қониқарли
108.	Офтоба	КП-5657/5	1	Металл	Қониқарли
109.	Офтоба	КП-5657/6	1	Металл	Қониқарли
110.	Офтоба-самовар	КП-5657/7а,б	2	Металл	Қониқарли
111.	Монета 5 копеек 1793 г.	КП-5659	1	Медь	Қониқарли
112.	Румол-калагай платок	ИКП- 1476/1	1	Ткань	Қониқарли
113.	Румол фаранг платок	ИКП-1476/2	1	Ткань	Қониқарли
114.	Кувшин одноручный	КП- 6178	1	Керамика	Қониқарли
115.	Чернильница	КП-6180	1	Керамика	Қониқарли
116.	Румол-калагай	ИКП-1491/1	1	Ткань	Қониқарли
117.	Румол фаранг	ИКП-1491/2	1	Ткань	Қониқарли
118.	Тюбетейка детская	ИКП- 1491/3	1	Ткань	Қониқарли
119.	Эшик осма тесьма	ИКП-1524/1	1	Ткань	Қониқарли
120.	Ойна халта	ИКП-1524/2	1	Ткань	Қониқарли
121.	Дом офицеров	ИКП-1578/ 10а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
122.	Здание национального банка	ИКП-1578/ 11 а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
123.	Регистан. Входной портал Тиля-кори	ИКП-1578/ 12а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
124.	Регистан. Минарет медресе Улугбека	ИКП-1578/ 13а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
125.	Шахи Зинда	ИКП-1578/ 14а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
126.	Георгиевская церковь	ИКП-1578/ 15а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
127.	Вход в Шахи Зинда	ИКП-1578/16 а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
128.	Минарет Медресе Улугбека	ИКП-1578/ 17а,б	2	Фото- бумага	Қониқарли
129.	Дорога к Чорсу	ИКП-1578/ 18а,б	2	Фото- бумага	
130.	Монета 20 копеек 1925 г.	ИКП-1062/8	10	Белый металл	Қониқарли

131.	Монета 15 копеек 1925 г.	ИКП-1062/9 абвг	4	Белый металл	Қониқарли
132.	Монета 15 копеек 1927 г.	ИКП-1062/10 аб	2	Белый металл	Қониқарли
133.	Монета 20 копеек 1928 г.	ИКП-1062/11	1	Белый металл	Қониқарли
134.	Монета 15 копеек 1931 г.	ИКП-1062/12	1	Белый металл	Қониқарли
135.	Монета 20 копеек 1931 г.	ИКП-1062/13 абвг	4	Белый металл	Қониқарли
136.	Монета 20 копеек 1932 г.	ИКП-1062/14	14	Белый металл	Қониқарли
137.	Монета 10 копеек 1932 г.	ИКП-1062/15	1	Белый металл	Қониқарли
138.	Монета 15 копеек 1932 г.	ИКП-1062/16	8	Белый металл	Қониқарли
139.	Монета 20 копеек 1933 г.	ИКП-1062/17 абв	3	Белый металл	Қониқарли
140.	Монета 20 копеек 1935 г.	ИКП-1062/18 абв	3	Белый металл	Қониқарли
141.	Монета 15 копеек 1936 г.	ИКП-1062/19	1	Белый металл	Қониқарли
142.	Монета 10 копеек 1936 г.	ИКП-1062/20 абвг	4	Белый металл	Қониқарли
143.	Монета 20 копеек 1946 г.	ИКП-1062/21	9	Белый металл	Қониқарли
144.	Книга Девони Хофизи Шерози	ИКП-1490	1	Бумага	Қониқарли <sup>20</sup>

Юқоридаги фикрлардан шу нарса маълум бўладики, экспонатларни тўплаш, тайёрлашга бўлган қизиқиш ва уларга эҳтиёж ҳалқимиз орасида мавжуд бўлган ва бу ўз навбатида ана шундай экспонатларнинг сақлайдиган, асрайдиган музейларнинг ташкил қилинишига олиб келган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунгача Иштихон туман ўлкашунослик музейини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш борасида музей маъмурияти томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- музей биноси қайта таъмирланди;

<sup>20</sup> Иштихон туман ўлкашунослик музейининг 2017-йилда амалга оширган илмий маърифий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.



- экспонатларни қуруқ бинода ва хавфсиз сақлаш учун таъмирлаш ишлари амалга оширилди;
- музей экспонатлари қайтадан рўйхатга олинди;
- экспонатларнинг янги картотекаси яратилди;
- стеллажлар, кўргазмали стендлар, турли ўлчамдаги экспонатлар бадий безатилди;

Аммо Иштихон туман ўлкашунослик музейини жаҳон музейлари талабларига мос равишда замонавий маданий-маърифий, илмий тадқиқот маскани даражасига кўтариш ва ҳозирги замон талабларига биноан модернизациялашни такомиллаштириш борасида яна бир қатор долзарб вазифалар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг учун қуйидаги бир қатор таклифлар келтириб ўтилди:

- музей биносини кенгроқ ҳозирги замон дизайни андозаларига мувофиқ янгича қайта таъмирлаш;
- ҳалқаро андозалар кўламида фаолият юритиш учун мамлакатимиздаги ва хориждаги турдош тарих музейлар билан алоқа ўрнатиш;
- музей фаолиятини замонавийлаштириш учун зарурий маҳсулотларни, мультимедия ва компьютер технологияларни харид қилиш;
- музейдаги экспозиция тузиш услубларини тубдан ўзгартириш, яъни жаҳон андозаларига мослаштириш;
- сақланаётган осори-атиқалар, ташкил қилинаётган тадбирлар, кўргазмалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига етказишда музей веб сайтини йўлга қўйиш.

## **2.2.Иштихон туман ўлкашуносликни ёритишда музей фаолиятининг ўрни**

Музейлар ўтмишни бугунги ҳаёт билан боғловчи маскан. Халқимиз уни бежизга тарих кўзгуси демайди. Президентимиз раҳнамолигида музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда давлат музейларини ривожлантиришнинг янги концепциясини тайёрлаш, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан, имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, архитектура-режалаштириш каби қатор вазифаларни амалга ошириш белгиланган эди.

Музейлар тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазкур маърифат масканларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйиш, айниқса, ўқувчи-ёшларни музейларга тобора кенгроқ жалб этиш имконини бермоқда.

Жаҳон мамлакатлари музейшунослик соҳасига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда анчагина одимлаб кетганини кўриш мумкин. Дунёдаги аксарият машҳур музейлар интернет тармоғи орқали мунтазам чиқишлар қилиб, ўз сайтларини доимо янгидан-янги ахборотлар билан бойитиб боришмоқда.

Интернет тармоғининг кириб келиши музей экспозициялари намоишини қилиш жараёнини халқаро миқёсда фаоллаштириб юборди. Ҳозир ундаги “Музейлар”. “Маданият” бўлимларига кириб дунёнинг хоҳлаган музейи бўйлаб

“сайр” қилиш, музейлар ҳақида умумий маълумотлардан ташқари, фонд экспонатлари, янгиликлар, махсус тадбирлар ва илмий анжуманлар ҳақида, соҳа мутахассис-ходимлар манзили, уларнинг интернетдаги электрон почталари ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. АҚШдаги АМИКО консорсиуми тарқатган маълумотга қараганда, Интернет тармоғида икки ярим миллиондан ортиқ музей экспонатларининг суратлари акс эттирилган картотека тизими мавжуд.

Ўзбекистон музейлари ҳам интернетда ўзларининг сайтларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-кўриқхонасида музей ходимларини шахсий компьютер техникаси билан таъминлаш масаласи аста-секин ижобий ҳал этилмоқда.

Музейда интернет тармоғига уланиш, сайт яратиш ва маълумотлар базасини барпо этиш устида айрим ишлар амалга оширилди. Илк қадам сифатида, музей фондидаги қўлёзмалар тўпламини электрон лазер дискига кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Республикамиз музейларида бу соҳадаги ишлар аста-секин олиб борилмоқда.

Маълумки, музейнинг асосий вазифаси йиғиш, сақлаш ва намойиш этишдан иборат. Бугунги кунда музейлар замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ўзларига тегишли экспонатларнинг сақланишини таъминлашлари мумкин. Чунки, аниқ ҳисобга олиш музей бойликларини бут сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Музей ишини замонавий такомиллаштиришда энг асосий омиллардан яна бири, кадрлар тайёрлаш, музей ходимларининг замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириши ҳамда махсус дастур яратишдан иборатдир. Музей ходимлари ҳар ерда ва ҳар доим миллат ҳамда мамлакатнинг генофонди бўлиши музейларнинг улкан имкониятларини очиб бера олиши мумкин.

2007 йилда Р.В.Алмаевнинг “Ўзбекистон музейлари ва улар тараққиётининг ижтимоий-маданий истиқболлари” рисоласи нашрдан чиқди.

Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикасида музей ишини ривожлантириш тарихи ва уни такомиллаштириш вазифаларини белгилаб, мамлакатимиз музейлар ривожланишининг концепцияси, ташкилий бошқарув ва бозор жиҳатлари шакллантирилиб, асослаб берилган<sup>21</sup>.

Музейларнинг инновацион фаолияти йўналишлари орасида муаллиф ватан тарихини янгича мутолаа қилиш, кўргазмалар ва экспозиция лойиҳаларини мавзу хилма-хиллиги; жаҳон амалиётида музей фаоллигининг мавжуд шаклларининг спекторларидан фойдаланиш; ўзида экспозициялар ва устахоналар унсурларини йўғириб юборган “жонли” музейлар тизимини ривожлантириш; муҳим иқтисодий манбаа сифатида туристик инфраструктурага музей таъсирини кенгайтириш; совғабоп моллар билан боғлиқ кичик ишбилармонликни қўллаб-қувватлашни ажратиб кўрсатади.

Р.В. Алмаев музейнинг ташқи номинацияларини ривожлантиришнинг истиқболли моделини таклиф этган – бу музей муаммоларини ҳал этишга кўшимча заҳираларни: ахборот, ташкилий, молиявий ва ҳоказоларни жалб этиш учун ўзига хос қурол ҳисобланадики, уларни тузилишини ташкил этувчи унсурларни улар билан ҳамкорлик қилувчи давлат, жамоатчилик, хусусий ташкилотлардир<sup>22</sup>.

Замонавий музейларда хизматлар кўрсатишда аудиогид инновациясидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Бугунги кунда бу технологияни дунёдаги деярли барча музейлар фаолиятида учратиш мумкин. Аудиогидлардан илк бора 1952 йилда Амстердам “Stedelijk” музейида фойдаланилган.

1990 йилларнинг ўрталарига келиб, бу технология оммалашиб, айти дамда уларнинг микро, мультимедияли, қўлда бошқариладиганавтоматик бошқариладиган ҳамда универсаль (аудиогид ва радиогид битта системада) аудиоручка, экскурсияли радиосистема каби турлари мавжуд.

---

<sup>21</sup> Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. - Т.: Г. Гулям, 2007.- 188 б.

<sup>22</sup> Ўша китоб. 194 б.

Тадқиқотчиларнинг олиб борган кузатувлари натижасида, аудиогидларнинг хизмати ҳозирги мобил алоқалар ёрдамида амалга ошириладиган дастурлар, интерактив экскурсиялар, сайтлардаги маълумотлардан кўра кўпроқ томошабин йиғанлиги маълум бўлди. Аудиогидлар бир канча аудиофрагментлардан ташкил топади. Фрагментлар музейнинг схемаси ва экспонатларнинг жойлашуви бўйича рақамланади.

Мультимедияли аудиогид қўшимча фотосурат ва музикавий эшиттиришларга эга. Улар фойдаланувчининг ҳолати ва объектини аниқлашга қодир бўлган CPS технологиясини ҳам қўллаши мумкин. Бу технология турли тилларга ихтисослаштирилган бўлиб, исталган вақтда хоҳлаган тилда эшитиш мумкин. Аудиогид имкониятларидан ўзбек музейларида фойдаланиш зарур. Воситани ижарага олиш орқали томошабинлар экскурсавод ёрдамсиз музей заллари бўйлаб, экспонат ҳақидаги барча маълумотларни билиб олишлари мумкин. Аудиогиднинг афзалликлари:

- Маълумот излашда вақтни қисқартириш
- Келиб кетувчилар билан алоқани осонлаштириш
- Турли ахборот хизматларини автоматлаштириш

Музейларга замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали бугунги кунда музейни қизиқарли масканга айлантириш мумкин. Дунёдаги бир қатор музейлар, масалан Лапвордаги Геология музейида – ернинг геологик структурасини ёки вулқон отилиши, Москвадаги Дарвин музейида – ҳайвонат олами билан боғлиқ бўлган видео ва овозли лавҳалар, ёки ушлаб кўриш учун бирон бир ҳайвоннинг терисидан кичик намуна каби қизиқарли лойиҳалар кундан-кунга бойитилиб бормоқда. Бундай тажрибалардан намуна олган ҳолда, музейга интрактив дастурларни тадбиқ қилиш лозим.

Музей экспозициялари ҳақидаги маълумотномани мукамал ва бекамму-кўст деб бўлмайди. Шу боис экспозиция заллари бўйлаб махсус мавзувий мультимедия дастурларини яратиш яхши самара беради. Табиат музейининг

экспозицион залларида ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тасвирловчи, органик дунё эволюцияси, одамнинг пайдо бўлиши, республика табиати, унинг бойликлари ва улардан фойдаланиш каби лавҳаларни овозли эффектларда ўзида акс эттирган мультимедия маҳсулотларини йирик масштабдаги экранларда жорий қилиш экспозицияни янада бойитади. Бундан ташқари музейга HANDS-ON дастурини қўллаш лозим. Бу орқали музей экспонатларини ушлаб кўриш имконияти туғилади. Бу ҳолатда ноёб буюмнинг визуал кўриниши намойишга қўйилиб, уни қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлади<sup>23</sup>.

Музей ишида, музей экспонатларини аниқ ҳисобга олиш, ундаги миллий бойликларни сақлаш ва асраб авайлаш, айти дамда замонавий информацион ва инновацион технологияларни қўллаш орқали амалга оширилади. Ҳолбуки, бугунги кунда музей иши жаҳон миқёсида шиддат билан ривожланмоқда. Жаҳондаги кўплаб музейлар интернет тармоғида ўз веб-сайтлари орқали тинимсиз маълумотлар бериб келмоқда. Ушбу қулайликлар музей ишида тадқиқотчи олимларга бир қанча енгилликларни яратиб бермоқда. Улар керакли маълумотларга виртуал излаш имкони орқали эришмоқдалар. Умуман олганда, бундай имкониятларни замонавий ўзбек музейларида ҳам қўллашни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби музей фондларида тадқиқот ишларини олиб бориш масаласи мураккаб жараён ҳисобланади.

Бу каби дастурларни Ўзбекистон музейлари фаолиятига ҳам жорий этиш самарали натижа беради. Бу борада интернетда ягона портал яратиб, унга Республикадаги барча музейларнинг электрон нусхаси жойлаштирилиб чиқилади. Унда барча маълумотлар ўз аксини топган бўлиши керак. Масалан маълум бир ном остида яратилган порталга фаолият кўрсатаётган барча турдаги музейларни тартиб билан жойлаштирилади ва ҳар бир музей маълумотномасида

---

<sup>23</sup> [www.museum.ru/M162](http://www.museum.ru/M162)

музей тарихидан тортиб, ҳаттоки музей ходимларининг манзилларигача кўрсатилади.

Бу биринчидан музейларни кенг оммага таништиришда ҳамда музей ишида анча афзалликларни яратса, иккинчидан музейлар рекламасида, уларни жаҳонга танитишда синалган йўл ҳисобланади. Зеро, музейни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, Интернет тизими орқали реклама қилиш ҳозирги кунда жаҳон музейларида кенг тарқалган усуллардан биридир.

Бу ҳақли равишда ўзини оқламоқда. Музейни интернет тизимида реклама қилиш учун авваламбор музей бу тизимни ўзининг шахсий веб-саҳифасига эга бўлиши лозим. Бу борада ҳали иш қилмаган музейлар учун қуйидаги илова такдим қилинади. Веб-саҳифа музей фаолияти турига қараб яратилади. Ҳозирги кунда музей веб-саҳифаларининг кенг тарқалган икки тури мавжуд.

Илмий-тадқиқотга йўналтирилган музейлар учун; уй-музейлари учун.

Илмий тадқиқотга йўналтирилган музейларнинг веб-саҳифасини қуйидаги кўринишда яратиш мумкин. Асосий саҳифа:

Бу саҳифада асосан музейнинг яратилиш тарихи ва унинг фаолият тури ҳақида, музей ҳаётидаги энг сўнги янгиликлар тўғрисида маълумот беради.

Кўргазмалар: бу бўлимда музейда ташкил этилган кўргазмалар ҳақида қисқача маълумот берилади. Конференциялар: бу саҳифада музейда ташкил этилган конференциялар тўғрисида тўлиқ маълумотлар базасини бериш лозим.

Алоқа: бу бўлимда музейнинг манзили, телефон рақамлари ва электрон манзили берилади. Веб-саҳифада галерея, архив, электрон кутубхона бўлимлари ҳам бўлиши мумкин.

Турли мамлакатлардан келган сайёҳлар меҳмон бўлаётган жойларидаги музейларда ўзлари учун қулай шароит бўлишига эътибор қаратади. Бунда музей рекламаси етакчилик қилади. Музей рекламаси асосан музейнинг томошабинга такдим этадиган хизмат турлари мисолида намоён бўлади. Бу борада музей маркетингининг ўрни беқиёс ва у намунали ташкил қилинган бўлиши лозим.

## ХУЛОСА

Музейлар – моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини, шунингдек табиат ва инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги билимларнинг илк манбалари ҳисобланадиган табиий-тарихий коллекцияларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, кўргазма қилиш ва оммага етказиш билан шуғулланади.

Мазкур ўрганилаётган тадқиқот объекти бўлган Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолиятини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш учун молиявий манбалар кўламини янада ошириш, музейга томошабинлар сафини янада кенгайтириш лозим.

Яқуний хулоса шуларни кўрсатадики, тарих ўтмишимизни англайтиб турган музейларимизни асраб авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида бир қатор чора тадбирларни амалга ошириш лозим. Юқоридаги хулосаларга асосланиб, Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Музей қиёфасини замонавийлаштириш, томошабинлар учун замонавий технологик асосли кенг қулайлик ва имкониятлар яратиш;

- Бунинг учун музей аудиторияси учун қулайликлар яратиш; музей хоналарини кўпайтириш экспонатларни ёруғ хоналар бўйлаб кенгроқ жойларда жойлаштириш, ҳар бир экспонат маълумотларини махсус электрон таблоларда деворга илиб қўйиш тавсия қилинади;

- Музейни фонд ашёларини сақлаш учун замонавий жиҳозлар, стеллажлар, сейфлар ва бошқа зарурий инвентарлар билан таъминлашни;

- Илмий анжуманлар, тақдимотларни юқори савияда ўтказиш учун зарурий оргтехник жиҳозлар сотиб олишни;

- Музей илмий ходимларини турдош ташкилотларга малакасини ошириш учун хизмат сафарларига юбориш; улар учун махсус семинарлар, тренинглар ўтказишни;



- Музейнинг табиат бўлимида ер юзининг бошқа минтақаларида яшовчи хайвонларнинг ноёб экспонатлари билан музей фондини бойитиб бориш;

-Музейда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилаётганини ҳамда ундан ўқув, илмий ва тарбиявий аҳамиятини эътиборга олиб музей ходимлари штатлар жадвали (ходимлар сонини) ички ва ташқи имкониятлардан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш таклиф этилади.

Бугунги кунда музей иши жаҳон миқёсида шиддат билан ривожланиб, жаҳондаги кўплаб музейлар интернет тармоғида ўз веб-сайтлари орқали тинимсиз маълумотлар бериб келмоқда. Ушбу қулайликлар музей ишида тадқиқотчи олимларга бир қанча енгилликларни яратиш бермоқда. Улар керакли маълумотларга виртуал излаш имкони орқали эришмоқдалар. Умуман олганда, бундай имкониятларни замонавий ўзбек музейларида ҳам қўллашни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби музей фондларида тадқиқот ишларини олиб бориш масаласи мураккаб жараён ҳисобланади. Бу каби дастурларни Иштихон туман ўлкашунослик музейи фаолиятига ҳам жорий этиш самарали натижа беради. Шу нуқтаи назардан:

-Иштихон туман ўлкашунослик музейи интернет сайтларини мунтазам ишлашини ташкил этиш лозим.

Тавсиямиз шуки, музей экспозицияларини халқаро андозаларга мос ҳолдаги ягона электрон маълумотлар базасини яратиш, музей Web сайтини яратиш ҳамда жойлаштириладиган ҳар бир янги экспонат тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ва мунтазам сайтга жойлаштириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## 1. Расмий адабиётлар

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. -56-б.
- 1.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104-б

## 2. Фармон, қарор ва қонунлар

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 й. ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони; "Халқ сўзи", 2017 йил 8 февраль, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2017 йил, 2-сон, 33-модда
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2017 й. ПҚ-3022-сон "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори - "Халқ сўзи", 2017 йил 1 июнь
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1994 йил 24 декабрь.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан кўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 1998 йил 15 март.
- 2.6. «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37-38

### **3. Илмий адабиётлар**

**3.1.** Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. - Т.: Г. Гулям, 2007.- 268 б.

**3.2.** Бекмуродов М., Рашидова М. Музейшунослик. - Тошкент. - 2006. – 102 б.

**3.3.** Илалов И. Музееведение. - Т.: Муסיқа, 2006. – С.357.

**3.4.** Исмоилова Ж., Мухамедова М. Замонавий жаҳон музейшунослиги. – Тошкент. – 2013. – 320 б.

**3.5.** Нишонова К. Музей – халқ тарихининг кўзгуси. Т.: Ёшлар матбуоти, 2011. – 391 б.

**3.6.** Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. - Т.: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2008. – С.192.

**3.7.** Тешабоева У. Шарқнинг мангу маскани: Методрафик библиографик қўлланма.Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.- 40 б.

**3.8.** Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – 125 б.

**3.9.** Курязова Д.Т. Музей иши тарихи ва назарияси. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 160 б.;

**3.10.** Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни (Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари) Т.: «Фан». 2007 – 470 б

**3.11.** Қаюмов Р. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонаси. // Moziydan sado. – Тошкент, 2015. - № 3.(67). Б. 44-46.

### **4. Интернет маълумотлари**

**4.1.** [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**4.2.** [www.museum.ru/M162](http://www.museum.ru/M162)

## **Изоҳли атамалар рўйхати**

**Витрина** - санъат асарлари қўйилган ойнаванд жавон, кути

Музей фонди – музей томонидан доимий сақлаш учун қабул қилинган барча илмий ташкиллаштирилган материалларга айтилади. Шу билан бирга улар нафақат фонд захираларида балки экспозицияда, таъмирлашда ёки ташкилотларга берилган бўлиши мумкин.

**Муҳофиз** – музейнинг бош муҳофизи (фонд мудирини) музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш, сақлаш, муҳофазалаш ва таъмирлаш ишларига бевосита ёки бўлим мудирлари орқали раҳбарлик қилади ҳамда захираҳоналарга шахсларни киритиш, музей ашёлари ва музей коллекцияларидан фойдаланишда белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш, калит хўжалигини юргизиш ишларини назорат қилади.

**Музей томошабинлари** – замонавий илмий тадқиқотларга кўра музей томошабинлари уч турга бўлинади:

**Фактик томошабинлар** – музейга келган томошабинлар.

**Потенциал томошабинлар** – музейга жалб қилинмоқчи бўлган томошабинлар.

**Виртуал томошабинлар** – Интернет ёки почта орқали музей фаолияти ва экспонатлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлаётган томошабинлар.

**Экспозиция** – (лот. exposition сўзидан олинган бўлиб, . expono – томоша учун кўрсатмоқ, териб қўйиш, sitio – рўйхатга олиш, баён этиш маъноларини англатади). Музей экспозицияси – бу мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган музей экспонатларининг намоиши бўлиб, улар композицион ташкиллаштирилиб шарҳлар билан тўлдирилган, техник ва бадиий жиҳозланиб, умумий музейнинг ўзига хос хусусиятини яратувчи ижтимоий кўринишдир. Музей экспозицияси илмий ходимлар, рассомлар, дизайнерлар, музей


педагоглари ва муҳандислар ҳамкорлигида яратиладиган мураккаб илмий-техник жараён ҳисобланади.

**Экспонат** – томоша учун қўйилган ва музей экспозициясининг асоси ҳисобланган музей ашёсидир. Музей экспонати сифатида асл ашёлар билан бир қаторда қайта тикловчи (модел, макетлар ва ҳ.к.) ва илмий қўмакчи материаллар (харита, схема, жадвал ва матнлар) бўлиши мумкин.

**Экскурция** – экскурсавод бошчилигида жамоа бўлиб музей, кўрғазма ва диққатга сазовор ерларни таништирув, илмий ва таълимий-тарбиявий мақсадларда маълум бир йўналиш бўйича томоша қилиш.

## Иллюстрациялар рўйхати

1. Иштихон тумани ўлкашунослик музейи биноси олд кўриниши
2. Иштихон тумани ўлкашунослик музейи ички ховлисидаги деворий панно
3. Тарих зали. Ёғоч қошиқ, чумич, сават, сопол кўза (19 аср)
4. Тарих зали. Мис буюмлар: лаган, кумфон, чилим, гулдон (19 аср)
5. Тарих зали. Сопол хум. (19 сар)
6. Тарих зали. Сопол хум. (19 аср)
7. Этнография зали. Ўрта ҳол иштихонлик оиланинг яшаш тарзи (19 аср)
8. Этнография зали. Ўрта ҳол иштихонлик оиланинг яшаш тарзи (19 аср)
9. Этнография зали. Чарх (19 аср)
10. Этнография зали. Дукан. (19 аср)
11. Этнография зали. Эркаклар миллий кийими (19 аср)
12. Этнография зали. Аёллар миллий кийими (19 аср)
13. Этнография зали. Эркаклар оёқ кийими (19 аср)
14. Тарих зали. Қабр тоши. (20 аср)
15. Тарих зали. Сопол кўза қолдиғи. (19 аср)
16. Мустақиллик зали. Сўзана (2005 йил)
17. Мустақиллик зали. Сўзана (2007 йил)
18. Табиат зали. Сайғоқ, Турна, чия бўри, Тоғ бургутлари
19. Табиат зали. Ёввойи тўнғиз, Тулки, Лочин, Сув ўрдаги, Чурраклар
20. Мустақиллик зали. Кўрпача, чойнак ёпқичи, ёстик (1999 йил)
21. Мустақиллик зали. Мева, кади, нон, тухум солинадиган сават (1995 йил)
22. Мустақиллик зали. Игна санчиқ, йилпиғич (2001 йил)
23. Тарих зали. От эгари. (19 аср)



**1-расм**  
Иштихон тумани ўлкашунослик музейи биноси олд кўриниши



**2-расм**  
Иштихон тумани ўлкашунослик музейи ички ховлисидаги деворий панно



**3-рasm**

Тарих зали. Ёғоч қошиқ, чумич, сават, сопол кўза (19 аср)



**4-рasm**

Тарих зали. Мис буюмлар: лаган, кумфон, чилим, гулдон (19 аср)





**5-расм**  
Тарих зали. Сопол хум. (19 аср)



**6-расм**  
Тарих зали. Сопол хум. (19 аср)



**7-расм**

Этнография зали. Ўрта ҳол иштихонлик оиланинг яшаш тарзи (19 аср)



**8-расм**

Этнография зали. Ўрта ҳол иштихонлик оиланинг яшаш тарзи (19 аср)




**9-расм**  
Этнография зали. Чарх (19 аср)



**10-расм**  
Этнография зали. Дукан. (19 аср)



**11-расм**  
Этнография зали. Эркаклар  
миллий кийими.  
(19 аср)



**12-расм**  
Этнография зали  
Аёллар миллий кийими  
(19 аср)



**13-расм**  
Этнография зали. Эркаклар оёқ кийими (19 аср)



**14-расм**  
Тарих зали. Қабр тоши. (20 аср)



**15-расм**  
Тарих зали. Сопол кўза қолдиғи. (19 аср)



**16-расм**  
Мустақиллик зали. Сўзана (2005 йил)



**17-расм**  
Мустақиллик зали. Сўзана (2007 йил)



**18-расм**

Табиат зали. Сайғок, Турна, чия бўри, Тоғ бургутлари



**19-расм**

Табиат зали. Ёввойи тўнғиз, Тулки, Лочин, Сув ўрдаги, Чурраклар





**20-расм**  
Мустақиллик зали. Кўрпача, чойнак ёпқичи, ёстиқ (1999 йил)



**21-расм**  
Мустақиллик зали. Мева, кади, нон, тухум солинадиган сават (1995 йил)



**22-расм**  
Мустақиллик зали. Игна санчик, йилпиғич (2001 йил)



**23-расм**  
Тарих зали. От эгари. ( 19 аср)